

3. Эшонкулов, Ш., Дадамухамедова, Н., & Эшмаматов, И. (2022). Антибактериальная фотодинамическая терапия в лечении периимплантита. *in Library*, 22(1), 1–2. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/13988>
4. Жилонова, З., Олимов, А., Назаров, З., & Маннанов, Д. (2020). Основные правила и принципы интраоперационного прямого протезирования, успех при немедленной имплантации. *in Library*, 20(2), 75–81. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/14323>
5. Олимов, А., Хайдаров, А., Назаров, З., & Маннанов, Ж. (2021). Сравнительная оценка эффективности индивидуальной и профессиональной гигиены при протезировании на дентальные имплантаты. *in Library*, 21(1), 176–179. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/14325>
6. Хасанов, Ш., Эшонкулов, Ш., & Эшмаматов, И. (2022). Организация учебного процесса для клинических ординаторов в кафедре «хирургическая стоматология и дентальная имплантология» Ташкентского Государственного стоматологического института. *in Library*, 22(1), 1–2. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/13991>
7. Акрамов, С., & Олимов, А. (2020). Обоснование применения навигационных шаблонов при установке дентальных имплантатов. *in Library*, 20(3), 238–245. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/14290>
8. Жилонова Z., Рахматуллаева О., Маннанов J., & Олимов А. (2020). Common Problems With Dental Implants. *in Library*, 20(2), 4–9. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/14288>

ОИТС АССОЦИРЛАНГАН КАПОШИ САРКОМАСИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА СТОМАТОЛОГНИ ЎРНИ

Ибрагимова Н.С., Ибайдуллаева Б.А.

Тошкент давлат стоматология институты

ibajdullaevab@gmail.com

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) чақирадиган касаллик - секин прогрессияланадиган антропоноз касаллик бўлиб, инсон иммун системасини специфик шикастлаб орттирилган иммунитет танқислиги синдроми билан характерланади, бунда беморлар иккиламчи оппортунистик инфекциялардан, ёмон сифатли ўсмалардан ва аутоиммун жараёнлардан халок бўлади. Антиретровирус терапиясининг (АРТ) кенг жорий қилиниши билан ОИВ-инфекцияси ўз фаталлигини тўхтатиб, беморлар ҳаёт фаолиятини узайтириш мумкин бўлган, бошқарса бўладиган сурункали касаллик характерини олди. Баъзи онкологик касалликлар кўп ҳолларда ОИТС билан касалланган беморларда учрайди, яъни бу онкологик касалликларнинг беморларда учраши ОИТС нинг ривожланаётганлигидан дарак беради шу сабабли бундай касалликлар ОИТС ассоцирланган онкологик касалликлар деб аталади. Буларга Капоши саркомасининг эпидемик тури, лимфома ва инвазив бачадон бўйни раки киради.

Олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан ОИТСли беморларни эрта ташхислаш ҳамон долзарблигича қолмоқда. Касалликнинг секин ривожланиши, инкубацион даврининг узок бўлиши, ўзига хос клиник манзарасининг бирмунча кеч намоён бўлиши касалликка эрта ташхис қўйиш имкониятини пасайтиради.

ОИТС ассоцирланган Капоши саркомасининг беморлардаги ўзига хос клиникаси:

1. Касалликнинг нисбатан ёш ва ўрта ёшли инсонларда учраши;
2. Касаллик бошланишида аввал шиллик қаватлар (оғиз бўшлиғи шиллик қавати), қулоқ супраси сўнгра юз ва тананинг қолган соҳаларининг зарарланиши;
3. Касалликнинг дастлабки эрта босқичларида леталликнинг юқори бўлиши (2 ойдан 5 йилгача);
4. Тошмаларнинг яққол ифодаланган полиморфизми, бунда оч бинафша рангдан то тўқ кўкимтир-бинафша рангдаги тошмалар тери ва шиллик қаватларда аввало доғ, папула, пиллакча сўнгра овал ёки юмолоқ шаклли ўсмасимон ҳосилалар кетма-кетлигида кўп сонли чўзинчоқ дуксимон элементлар кўринишида чиқади. Касалликнинг кейинги кечки даврларида ички органлар ҳам зарарланади.

Аҳолининг стоматологик хизматларга муроъжат қилиши тиббиётнинг бошха соҳаларига нисбатан кўп бўлишини, ҳамда саркома Капоши кўпинча биринчи бўлиб оғиз бошлиғида пайдо бўлишини эътиборга оладиган бўлсак ОИТС бор бўлган беморларни стоматологик кўрик вақтида аниқлай олиш, эрта ташхис қўйиш, инфекция тарқалишининг олдини олишга, касалликнинг дастлабки даврларидан бошлаб даволаш ва ҳаёт фаолиятини узайтириш учун беморни керакли мутахасисларга йўналтиришда стоматологлар ва юз-жаф жарохларни ўрни катта.

Адабиётлар рўйхати:

1. Рахматуллаева О., Шомуродов К., Фозилов М., Эшмаматов И., & Икромов С. (2022). Evaluation of the homeostasis system before and after tooth extraction in patients with viral hepatitis. in *Library*, 22(1), 702–708. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/14884>
2. Хасанов, Ш., Эшонкулов, Ш., & Эшмаматов, И. (2022). Организация учебного процесса для клинических ординаторов в кафедре «хирургическая стоматология и дентальная имплантология» Ташкентского Государственного стоматологического института. in *Library*, 22(1), 1–2. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/13991>